

ПРОФЕССОР ҲАМИД ЗИЁЕВ ШАХСИЙ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА
“1898 ЙИЛ АНДИЖОН ҚЎЗҒОЛONI”ГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР
DOCUMENTS ARE RELATED TO THE "ANDIJAN UPRISING OF
1898" IN THE PERSONAL ARCHIVE OF PROFESSOR HAMID ZIYOYEV

Азимова Юлдуз Джура кизи

Фанлар академияси Тарих институти стажёр-тадқиқотчиси

Адрес: Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси, 5. 100060

azimovayulduz71@gmail.com

Аннотация: Қуйидаги мақолада профессор Ҳамид Зиеёвга тегишли шахсий коллекцияси ҳужжатлари ёрдамида XIX асрда бўлиб ўтган Андижон кўзғолонига оид янги манбалар ҳақида маълумотлар берилган.

Аннотация: The following article provides information about new sources on the Andijan Uprising of the 19th century, using documents from the personal collection of Professor Hamid Ziyev.

Калит сўзлар: Андижон кўзғолони, Мингтепа, шахсий фонд, жилд, жамлог, сургун қамоқхонаси.

Ҳар бир тадқиқотчи ўзидан аввалги тадқиқот махсулларини чуқур ўқиб ўрганади. Тадқиқотчи учун такрорланмай келган бирор бир сўз ёки нуқтаи назар унинг учун катта янгилик бўлади. Ушбу кичик мақолам билан мен ҳам ўзимга янгилик сифатида топган манбаларни тақдим этиш мақсад қилинди. Ўйлайманки ушбу мақола м каби изланувчиларга фойдали бўлади.

Кўп йиллар мобайнида Тарих институтида бўлим раҳбари ва шу институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган, умрининг 70 йилдан ошиқ даври, умрининг сўнгига қадар илм йўлида интиланган тарихчи-олим Ҳамид Зиеёвнинг ҳар бир илмий изланишлари биз каби ёшлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Олимга номзодлик диссертацияси мавзуси сифатида “Шарқий Туркистонда 1826 йил халқ қўзғолони”¹ни ўрганиш раҳбарият томонидан топширилди. 1953 йилда шарқшунослик институтида диссертацияни ҳимоя қилиб Ҳамид Зиёев тарих фанлари номзоди унвонига сазовор бўлдилар.

Москвада Ленин номли давлат кутубхонасида иш олиб бораётганларида тасодифан Сибир ва Россиянинг бошқа четки ўлкаларида ўзбекларнинг ўрнашганлиги ва ҳаёти ҳақида маълумотларга дуч келиб шу асосида 1954 йил мақола Ҳамид Зиёев томонидан чиқазилади.

Мақола кенг ўқувчилар томонидан зўр қизиқиш билан қарши олинади. Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми раҳбарлари бу мавзунини давом эттиришга чақирдилар. Мавзунини ўрганишда Москва, Ленинград, Сибир, Волга ва Урал бўйларидан кўп шаҳарларга бориб, 10 йил давомида Москва, Ленинград, Астрахан, Уфа, Қозон, Нижний Новгород, Оренбург, Свердловск, Ирбит, Тюмень, Тобольск, Омск, Томск, Перм, Олмаота шаҳарлардаги 25 архив ва музейлардаги тарихий ҳужжатлари билан танишиб чиқдилар². Мавзу бўйича кўрсатилган архивларда уларгача Ўзбекистондан бирорта олим ишламаган эди. Ушбу тадқиқот натижалари ва йиғилган нодир материалларини кўз қорачиғидек асраб келиб, уларнинг фарзандлари томонидан Ўзбекистон Миллий архиви сақловига топширилди. Фонднинг тариқиби умумий 250 га яқин йиғмажилддан иборат бўлиб, уларнинг кўп қисми муаллифнинг кўлөзма китоблари, кундаликлари, архив маълумотлари ташкил этади.

1965-1985 йилларда тарих институтининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб, кўпдан-кўп фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Илмий фаолияти давомида 14 та китоб ва 172 та мақолалари чоп этилган. Шогирдларидан 40 дан ортиғи фан номзоди ва докторлари унвонига сазовор бўлишди.

¹ Ҳ.Зиёев. Она шахрим Тошкент ва ҳаёт йўлимлан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 2008.

² Абдурахмонов. М. “Ҳамид Зиёевнинг ҳаёти, илмий-педагогик фаолияти” Тошкент – 2013. 66.

1950-1965 йиллар орасида республика бўйича ўзбеклардан бор йўғи 5та фан докторлари: Я.Ғуломов, Х.Иноятов, Р.Аминова, Х.Турсунов ва Ҳ.Зиёевлар бор эди.

1965-1985 йилларда уларнинг сони 17 га, фан номзодлари 34 га етди. Умумлашганда 1963-1984 йил ичида 300 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлар етиштирилди. Улардан 46 таси докторлик диссертациялари бўлган.

Ҳамид Зиёев узоқ ўлкалардаги ўзбеклар ҳаётини ўрганиш билан баробарида Қўқон қўзғолони ҳақидаги маълумотларни ҳам тўплаганлар. Чунончи, 1926 йилда қўзғолон воқелигининг гувоҳи Фозилбек Отабек ўғли³ томонидан ёзилган китобни ҳозирги ўзбек тилига ўгириб, бир қанча ёзувчилар ёрдамида сайқал бериб, қўплаб илмий асарларига илова қилиб нашр эттирган.

Профессор Ҳамид Зиёев ўз асарларида Андижон қўзғолончилари сони ҳақида ҳам бошқа манбаларга қараганда тўлиқ маълумотлар беради. Жумладан, 1898 йилнинг 17-18 май санасида Мингтепа қишлоғида бўлиб ўтган Дукчи Эшон бошчилигидаги қўзғолон бостирилганда, қатнашчилардан жами 777 киши⁴ ҳибсга олиниб, тергов қилингани, кўп киши калтаклашлар ва қийноқларга чидолмасдан тергов жараёнида ўлганлиги ёзилади.

Устоз Ҳамид Зиёевнинг шахсий архив ҳужжатлари Миллий архивга олиб келинганида устозим Муҳайё Исоқова тавсияси билан ушбу ҳужжатларни тартибга келтириш ва рўйхатини тузиш ишларида қатнашдим ва тадқиқотимиз учун жуда катта ҳажмдаги манбаларни кашф этдик. 19 юзйилликнинг иккинчи ярмида Россия империясига қарши бўлиб ўтган халқ озодлик ҳаракатлари тарихига оид 20 тадан ортиқ жилдлар ичида бевосита мавзуга оид Farg‘ona viloyatining qo‘zg‘olon, 143-жилд, Андижон қўзғолони (архив ҳужжати), 145, 147, 148, 194 ва 195-жилдлардаги ҳужжатлар тадқиқот мавзуим доирасида ўрганишим ва талкин этишим керак бўлган манбалар кўлами ҳақида тўлиқ тасавур ҳосил қилиш билан бирга, биз ёш тадқиқотчилар учун узоқ масофа

³ Фозилбек Отабек ўғли "Дукчи Эшон воқеаси, ёки Фарғона истибдод жаллодлари" Тошкент — 1992.

⁴ Х.Зиёев «Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи» - Тошкент: Шарқ 2011. 238б.

сабаб мавҳум бўлиб келаётган Россиянинг Сибир архивларида сақланаётган ҳужжатлар билан танишиш ва уларни ўрганиш имконияти очилди. Бунга қадар устоз Ҳамид Зиёевнинг 1898 йил: Дукчи Эшон қўзғолони каби мақоласидан узоқ Тоболскдаги қамоқхонада умрлари ўтган 1898 йил қўзғолони қатнашчиларига доир айрим ҳужжатларни қўлга киритилган эди. Буларга кўра, ўша қамоқхонада қуйидаги қўзғолон қатнашчилари ушлаб турилган қуйидаги инсонларни: Боев Масоли Исмойил (33 ёшда), Мазнаев Султонқул уста (27 ёшда), Неъматуллаев Мулла Иззатулла (36 ёшда), Полвонов Мадраим Ғозий (38 ёшда), Абдуқодиров Абдусаттор (26 ёшда), Тожибоев Йўлдошбой (23 ёшда), Тошматов Аҳмадали (23 ёшда)лар билан танишилган эди.

Энди эса ўша архив ҳужжатларини Ҳамид Зиёевнинг шахсий архив фондида кўриш баробарида қашғарлик Боев Масоли Исмойил, Полвонов Ғозий, Абдуқодиров Абдусаттор, Тожибоев Йўлдошбой, Тошматов Аҳмадалилар қўзғолондан сўнг аввал ўлим жазосига кейинчалик 7 йиллик муддатли оғир ишларга Тобольск шаҳри қамоқхоналарининг бирига юборилганлигини ва муддатни тугатилганлигига қарамай ўз она юртларига жўнатилмаганликларига гувоҳ бўлиш мумкин.

- Боев Масоли Исмойил (33 ёшда). қашғарлик, Тоболск қамоқхонасига 26 август 1899 йилда келтирилган. Янги Марғилон вақтинчалик суди томонидан 24 июл 1898 й. санасида қўзғолон қатнашчиси сифатида ўлим жазосига ҳукм қилиниб, 7 йил муддатга оғир ишларга бадарға қилишга алмаштирилган. 1907 йил 4 февралда у сургун қилиниб, ўша ердаги қамоқхонага ўтказилади. Кейинги тақдири номаълум.

- Мазнаев Султонқул (27 ёшда). – уста. Андижон шаҳрида 1898 йил 8 июлда ҳарбий-муваққат суд томонидан ҳукуматга қарши исён кўтаргани учун осиб ўлдиришга ҳукм қилинган, бу жазо 15 йиллик оғир ишларга бадарға қилиш билан алмаштирилган. 1902 йил июнида Тоболск турма қалъасига муддатли қамоқ жазосига ўтказилган.

- Полвонов Ғозий (38 ёшда). – Тобольск сургун қамоқхонасига 7 июл 1899 й.да келтирилган. Янги Марғилон шаҳри вақтинчалик судида 25 июл 1898 й. санасида қўзғолон қатнашчиси сифатида ўлим жазосига ҳукм қилиниб, 7 йил муддатга оғир ишларга бадарға қилишга алмаштирилган. 1901 йил феврал ойида у Шарқий Сибирга сургун қилиниб, ўша ердаги қамоқхонага ўтказилади.

- Абдуқодиров Абдусаттор (26 ёшда). - қамоқхонага 1899 й. 7 июнда келтирилган. Янги Марғилон шаҳри вақтинчалик судида 25 июн 1898 й. Санасида қўзғолон қатнашчиси сифатида ўлим жазосига ҳукм қилиниб, 7 йил муддатга қаторга ишларига алмаштирилган. 1901 йил феврал ойида у ҳам Шарқий Сибирга сургун қилиниб, ўша ердаги қамоқхонага ўтказилади.

- Тожибоев Йўлдошбой (23 ёшда). - қамоқхонага 1899 й. 7 июл да келтирилган. Янги Марғилон шаҳри вақтинчалик судида 25 июл 1898 й. Санасида қўзғолон қатнашчиси сифатида ўлим жазосига ҳукм қилиниб, 7 йил муддатга оғир ишларга бадарға қилишга алмаштирилган. 1901 йил феврал ойида уни ҳам Шарқий Сибирга сургун қилиниб, ўша ердаги қамоқхонага ўтказилади.

- Тошматов Аҳмадали (23 ёшда). қамоқхонага 1899 й. 2 сентябр да келтирилган. Янги Марғилон шаҳри вақтинчалик судида 25 июл 1898 й. Санасида қўзғолон қатнашчиси сифатида ўлим жазосига ҳукм қилиниб, 7 йил муддатга оғир меҳнат жамлоғида ишлаш учун юборилган⁵ лигини кўриш мумкин. Албатта ушбу ҳужжатлар тадқиқот мавзуини кенгроқ ўрганишга ва уни бойтиш билан бирга, қўзғолончиларни кейинги аянчили тақдири, Россия империясининг қатағон сиёсати моҳиятини очиб беришда ҳужжатли асос бўлиб хизмат қилади.

Профессорнинг илмий фаолиятлари давомида йиғилган архив маълумотлари орасида қўзғолонларга оид маълумотлар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Андижон қўзғолони тўғрисида 1966 йилги Тарих институти конференция стенограмма материаллари, Ўзбекистон Миллий архивининг алоҳида қимматли ҳужжатлари нусхалари, Тоболск области ва бошқа турли

⁵ Ўзбекистон МА Р-2967 фонд, Р-1, Й-147. 143ст.

архиви хужжатлари нусхаси, архив фотонусхалари, шахсий кундаликлари ушбу мавзуни ҳар тарафлама чуқур ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Ҳар бир тадқиқотчи учун керакли хужжатлар жамланган шахсий фонд кўп йиллар тадқиқотчилар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилиши аниқ. Чунки бундай бой манбаалардан ўринли фойдаланиш бизнинг вазифамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. В.Сальков. “Андижанское восстание” (сборник статей), Казань, 1901.
2. Фозилбек Отабек ўғли "Дукчи Эшон воқеаси, ёки Фарғона истибдод жаллодлари" Тошкент — 1992.
3. Юсупов Э.Ю., Лунин Б.В. «Андижанское восстание 1898 года в советской исторической литературе» // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. — 1987. №1- С31-44.
4. Х.Зиёев «Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи» - Тошкент: Шарқ 2011.
5. Ҳ.Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Ташкент: Шарқ, 1998.
6. Ҳ.Зиёев. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. – Тошкент: Шарқ, 2006.
7. Ҳ.Зиёев. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 2008.
8. Ҳ.Зиёев. Тарихнинг очилмаган саҳифалари. – Тошкент: Меҳнат, 2003.
9. Ўзбекистон Миллий архиви Р-2967 фонд, Р-1, Й-147.